

КОРРУПЦИЯ ДУНЁ МИҚЁСИДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ГЛОБАЛ МУАММО

Юлдашева Дилфуза

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ҳодими*

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Коррупция сўзи латинча “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, “эврилиш”, “бузилиш” деган маъноларни англатади. Яъни шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш коррупция яни нафс балоси дейилади. Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу зарарли ҳодиса, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу зарарли иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ҳанузгача у бартараф этилмаган. Ҳозирги глобаллашув замони, минтақалар ва давлатлараро интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда. Бинобарин, бугун катта-кичикми, қудратлими-кучсизми биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айтолмаймиз. Гап коррупцияга қарши кураш ҳақида борар экан, бу борада жамоатчиликнинг назорати жуда муҳим эканини алоҳида таъкидлаш керак. Энг асосийси, бу жараёнда ёшларнинг фаоллиги сезилаётгани эътиборга моликдир. Ёшлар учун эса энг муҳим йўналишлардан бири, бу – таълим соҳасида ва ишга кириш босқичида юзага келмоқда. Шу боис Президентмиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида бир қатор ишлар олиб бормоқдалар ва Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш учун алоҳида орган ташкил этилган.

Шу жумладан Президентимиз 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномада таъкидлаганларидек, Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди. Яна бир нарсани миямизга синдиришимиз керакки, коррупцияга қарши курашиш биринчи навбатда оиладаги муҳит ва таълим-

тарбиядан бошланади. Жамиятда нима ҳалолу нима ҳаром эканлиги фарзандларимизга ота-оналар ва устозлар ўғити билан сингдирилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев фарзандларимизга болалигидан покни нопокдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга ўргатишни назарда тутиб, ёш авлод тарбияси ҳақида айганларида, Абдурауф Фитратнинг қуйидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишлари лозимлигини таъкидладилар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро коррупция таҳдидини зарарли оқибатларини доимо эсда тутмоғи ва унга қарши курашмоғи шарт. Жамиятда шундай иллатлар борки, у маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётига тўғаноқ бўлади. Коррупцияни юзага келтирувчи омиллардан бири манфаатлар тўқнашувидир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хизмат қилувчи барча даражадаги мансабдор шахслар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин. Шу боис давлат ҳокимияти тизимида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, бундай ҳолат юзага келганда, уни ижобий ҳал этиш масаласи ҳозирги даврда коррупцияга қарши курашнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Манфаатлар тўқнашуви деганда, шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият тушунилади. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2024 йил 5 июнь кuni Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, унга оид муносабатларни аниқлаш, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш ва уни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди. Шунингдек, қонун давлат ташкилотларидаги ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ тартибга солади. Шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши йўлидаги хатти-ҳаракатларининг бир қисмини бартараф этади, давлат бюджетининг ноқонуний ўзлаштирилишининг олдини олади, давлат ташкилотларида меҳнат муносабатлари ва давлат харидларининг очиқлигини ва шаффофлигини таъминлайди. Эндиликда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан бирга, давлат ташкилотларининг

одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлинмалари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари манфаатлар тўқнашувини тартибга солишни амалга оширадиган органлар сифатида мустаҳкамланди. Шунингдек, қонун билан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларига нисбатан чекловлар белгиланди. Жумладан, қонунда ходимлар шахсий наф олишга, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этиш чоғида маълумотларни яширишга, бўйсунувчи ёки назоратидаги ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашга, тижорат ташкилотларининг таъсисчиси бўлишга, ўзи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги улушларига эгалик қилишга, унинг бошқарув органи аъзоси бўлишга, ўзи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ўзига ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда вакил сифатида иштирок этишга, ўзи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ташкилотнинг мол-мулкани сотиб олишда ёки ижарага олишда ўзи иштирок этишга ҳақли эмаслиги назарда тутилган. Бундан ташқари, қонунда давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар, манфаатлар тўқнашувига оид талабларни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул қилинган ва тузилган битимларни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш асослари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланди. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш тегишли манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш орқали амалга оширилади. Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг оммавий ахборот воситаларига, жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари улар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва ўрганиш орқали аниқланади. Қонуннинг амалиётга оғиш-май татбиқ этилиши натижасида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда давлат назорати амалга оширилишига, давлат хизматчиларининг бевосита раҳбарлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келганда, тегишли чоралар кўрилишига, давлат хизматчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига эришилиши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида қонун билан ўрнатилган талаблар ва механизмларни давлат органлари ва ташкилотларида самарали жорий этиш, бу жараёнда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда улар учун зарур тушунтириш ишларини олиб бориш давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилди. Шу билан бирга, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун ижросини

ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика идоралараро комиссияси тасдиқланди ва унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Хусусан, республика идоралараро комиссиясининг ишчи органлари томонидан ҳар чоракда давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатлар, уларни бартараф этиш, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қўрилган чоралар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш амалиёти жорий этилди. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича тегишли далилларни илова қилган ҳолда, уларни аниқлашда фаол ёрдам берган шахсларга ундирилган жариманинг эллик фоизи миқдорида мукофот пули берилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

[rmbic.tatarstan.ru>gazeti.htm](http://rmbic.tatarstan.ru/gazeti.htm)

[tatarica.org>tat/razdely/sredstva-massovoj-](http://tatarica.org/tat/razdely/sredstva-massovoj-)

[tt.wikipedia.org>](http://tt.wikipedia.org)

[web.archive.org>web/20091231121352/http://www....](http://web.archive.org/web/20091231121352/http://www....)